



Эл дуосида ҳикмат кўп

2▶

Болангизнинг дўсти ким?



6▶



6▶

Тилла узук... кувва

8▶



ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



ҲАЯЖОНЛИ ЛАҲЗАЛАР, УНУТИЛМАС ТААССУРОТЛАР

Республика Олимпия захиралари теннис мактаби кортларида “Toshkent open – 2012” анъанавий халқаро турнири бошланди. Унда дунёнинг йигирмага яқин мамлакатидан келган теннисчи қизлар яккалик ва жуфтлик беллашуварларида куч синашмоқда.

8▶

УШБУ СОНДА:

Назорат-касса машинаси ишламаса...	2
Ота-она фарзандлар учун жавобгар бўлса, болалар-чи?.....	3
«Чаппар» сўзининг маъноси.....	4
Туғиш қўрқинчли эмас(ми?)!.....	5
Эркакларни йиғлатиб... пул топаётган бойвачча.....	7
Зиёли эр рўзгорни тебрата олармикан?.....	7



«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»

акциядорлик компанияси — доимий ҳамкоримиз!

ЭЛ ДУОСИДА ҲИКМАТ КЎП

Яқинда Бекобод туманидаги Меҳнатобод қишлоқ фуқаролари йиғинига қаршили Хос маҳалласида замон талабларига тўла-тўқис жавоб бера оладиган "Аббос Омад" тўйхонаси ишга туширилди.

— Худудимизда яшовчи аҳоли азалдан тўй-ҳашамларни ихчам ва

файзли қилиб ўтказишни одат қилган, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Алижон ака Раҳимжонов. — Бу ерда 1800 га яқин оила, қарийб 11 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Авваллари тузукроқ жой йўқлиги боис ким тўй қилмоқчи бўлса, кўшни қишлоқларга боришарди. Қанча овораю сарсонгарчиликни айтмайси. Ниҳоят Хос қишлоғида саховатли тadbиркор Санжар Жўраевнинг ташаббуси билан шанам ва замонавий тўйхона қурилди. Санжар ва Нилуфархонларнинг оиласи нафақат маҳаллада, балки туманда ҳам аҳлиноқ, намунали хонадонлардан бири ҳисобланади. Ҳимматли жуфтликнинг бу хайрли ишидан бугун маҳалладошлари хурсанд. Аслини олганда, уларнинг раҳматли ота-оналари Бердикул ака ва Энажон аялар ҳам савобталаб инсонлар сифатида ном қозонишган эди. Буни қарангки, бугун шу сулола издошлари ибратли анъанани давом эттириб, эл оқлишини олаётир.

— Ота-онамизнинг ҳар бир хайрли амали биз — фарзандлар учун масъулиятли сабоқлар бўлган, — дейди "Аб-

бос Омад" тўйхонаси раҳбари Санжар Жўраев. — Улардан мерос бўлиб қолган энг азиз бойликларни санаб саноғига етолмайман. Айниқса, бизларни ҳар доим меҳр-оқибатли ва саховатли, аҳил бўлишга даъват этишарди. Бир-

Истиқлол имкониятлари



дамлик бор жойдан файз, барака аримас экан. Аканинг укага, оланинг сингилга меҳр-оқибатида ҳикмат кўп, дердилар раҳматли онам.

Очигини айтсам, бундан уч йил аввал шу тўйхонанинг пойдеворини қўйишга ҳам онам сабабчи бўлганлар. Чунки у киши жуда кўп тўй-ҳашамларга ўзлари кайвонилик қиларди-да. Бир кун икки ёнларига чорлаб шундай дедилар:

— Болам, элда нима кўп, тўй-ҳашам кўп. Саратоннинг иссиғию қаҳратоннинг совуғида тўй қилганларни кўриб раҳим келади. Ёгин-сочинда қилинган тadbир на тўйчига, на қўтлагани келувчига

ёқади. Кўзим тириклигида яхши бир тўйхона қуриб одамларнинг дуосини олсанг савобга қолардинг-да.

Онамнинг ана шу самимий ниятлари мадад бўлиб ишни бошлаб юбордик. "Агробанк"нинг туман филиалидан 100 миллион сўм кредит олдик. Бунда албатта, маҳалла фаоллари, туман раҳбарияти ҳам бизни қўллаб-қувватлади. Ўтган йили қурилиш ишларига деярли онамнинг ўзлари бош-қош бўлдилар десам ҳам бўлади. Аммо... Одамзот эртага олдинда нималар кутаётганини билмас экан-да, қутилмаганда онам дунёдан ўтиб қолдилар. Барибир у киши қандай орзу қилган бўлсалар шундай лойиҳа, услуб асосида тўйхонани қуриб, ишга туширдик.

Яна бир эътиборли жиҳати шуки, маҳалла кўрகига кўрк бўлиб қўшилган шинам ва ҳашаматли гўшанинг ишга тушганлиги олти кишини иш билан таъминлашга замин яратди. Санжар Жўраевнинг келгуси режалари бисёр. Насиб этса, тўйхона қошида қандолат маҳсулотлари цехи очишни мўлжаллаб туришибди.

Айни пайтда бу аjoyиб оиланинг дилбандлари — Шохнур Тошкент тўқимачилик институти қошидаги академик лицейда, Гулзийм эса Бекобод шаҳридаги ўрта таълим мактабида тахсил оломоқда.

Дарвоқе, 2 сентябрь кун Хосдаги янги тўйхонада шу маҳалла фарзандлари Маҳдиёхон ва Илҳомжон Эшматовларнинг никоҳ тўйлари ҳам нишонланди. Савобли томони шуки, бу тўйнинг асосий сарф-харажатлари тўйхона ҳисобидан қолланди. Икки ёшнинг бахт кечаси барчани баравар қувонтирди.

НИГОРА УРОЛОВА,
"Оила ва жамият" мухбири,
Тошкент вилояти.



ШУ СОНГА ХАБАРЛАР

ФОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Наманганда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Келажақ овози" ёшлар ташаббуслари маркази, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Келажақ овози" республика иқтидорли ёшлар танловининг вилоят босқичи голибларини тақдирлашга бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Вилоятда бу йил танловда қатнашиш истагини билдирган ёшлар сони қарийб 7 минг нафарни ташкил этди. Саралаш босқичларида 1 минг 200 га яқин иқтидорли ёшлар 15 йўналиш бўйича ўзаро куч синашдилар. Улар орасидан 45 нафар иқтидор эгалари яқуний босқичда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Ўтказилган маросимда голибларга "Келажақ овози" танловининг махсус дипломлари, вилоят ҳокимлиги ва ҳомий ташкилотларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Шунингдек, ушбу нуфузли танлов голибларини тақдирлаш маросимлари Андижон ва Сирдарё вилоятларида ҳам бўлиб ўтди.

Ўз мухбиримиз.

ҚОНУНИЙ ФАОЛИЯТНИНГ МУҲИМ ГАРОВИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги «Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг қўлланилишини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори юридик ва жисмоний шахслар томонидан товарлар сотиш ва хизматлар кўрсатишда нақд пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг қўлланилишини янада такомиллаштиришга қаратилгандир.

Мазкур қарор билан иккита низом тасдиқланган. Биринчиси фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарини (НКМ) хўжалик юритувчи субъект томонидан қўллаш тартибини белгилайди. Ушбу низомда, шунингдек, фаолияти хусусиятига кўра пуллик ҳисоб-китобларни фискал хотирага эга бўлган НКМни қўлламасдан амалга ошириши мумкин бўлган хўжалик юритувчи субъектлар айрим тоифаларининг аҳоли билан ўзаро ҳисоб-китобини ҳисобга олиш тартиби, касса операцияларини юритиш, НКМга техник хизмат кўрсатувчиларга қўлланиладиган алоҳида талаблар ҳам ўз аксини толган. Шунга мувофиқ, давлат реестрига киритилмаган НКМ ва уларнинг дастурий маҳсулотлари (версиялари)ни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш мумкин эмас. НКМ аккредитация қилинган сертификация бўйича мажбурий тартибда сертификатланиши ва хўжалик фаолияти амалга ошириладиган жой бўйича туман (шаҳар) давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтказилиши керак.

Таъкидлаш жоизки, сертификатга эга бўлмаган ва белгиланган ягона техник талабларга жавоб бермайдиган ҳамда солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтказилмаган НКМдан фойдаланиши, айбдор шахслар ва хўжалик юритувчи субъектлар жавобгарликка тортилади.

Иккинчи низом «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланилиши рухсат этилган фискал хотирага эга бўлган

Қарор ва ижро

назорат-касса машиналарининг давлат реестрини юритиш тартиби тўғрисида»ги низом деб юритилади. Ушбу ҳужжат НКМни давлат реестрига киритиш ва ундан чиқариш тартибини белгилайди.

Бундан ташқари, пул муомаласи тизимини такомиллаштириш, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантиришни рағбатлантириш ва банкдан ташқари нақд пул айланмасини қисқартириш, аҳолининг банк пластик картчаларидан фойдаланган ҳолда тўловларни амалга ошириши учун кулай шарт-шароит яратиш мақсадида Президентимизнинг 2010 йил 19 апрелдаги «Банк пластик картчаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори қабул қилинган.

Қарорда аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда ва банк пластик картчаларидан тўловлар қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминаллари билан жиҳозланиши шарт бўлган чакана савдо ҳамда хизмат кўрсатиш объектлари рўйхати белгилаб берилган.

Эътибор бериш жоизки, рўйхатга киритилган хўжалик субъектларининг тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва улардан фойдаланишга оид талабларга риоя қилмаслиги савдо ва хизмат қоидаларини бузишга тенглаштирилади ҳамда уларга қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарлик юкланади.

Хулоса қилиб айтганда, белгиланган тартиб-қоидаларга риоя этиб, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида пулли ҳисоб-китобларни амалга ошириш қонуний фаолиятнинг муҳим гаровидир.

ТЕМУР МЎМИНОВ
Тошкент шаҳар давлат солиқ бoшқармаси бўлим бошлиғи.

ОЛТИНҚЎЛДА ЯНГИ ТУҒРУҚ МАЖМУИ

Кейинги йилларда туман тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги марказий шифохона, кўп тармоқли поликлиника, 26 та қишлоқ врачлик пункти бугунги кун талаблари асосида таъмирланиб, замонавий тиббий диагностика асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди. Хусусан, туман марказидаги туғруқ мажмуининг барпо этилиши кўпчиликни мамнун этди.

— Икки қаватли замонавий туғруқ

мажмуининг қурилиши учун 2,5 миллиард сўм маблаг сарфланди, — дейди туман тиббиёт бирлашмаси бош врач Аҳмаджон Исроилов. — Мажмуадаги учта бўлим энг замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланди, самарали иш олиб бориш, қолаверса, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун зарур шароит ва имкониятлар яратилди.

Мамалякатимизда тиббий хизмат сифати ва савиясини юксалтириш, тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган бу каби хайрли ишлар юртимизда инсон омилига, аҳоли соғлигини муҳофаза қилишга кўрсатилаётган юксак эътиборнинг ёрқин намунасидир.

Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА,
"Оила ва жамият" мухбири,
Андижон вилояти.

ХАЙРИЯ

ҲУДУД БИЛМАС

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма бир йиллигига бағишлаб "Меҳр-мурувват мўъжизаси" шўба корхонаси жамоаси ташаббуси билан Китоб туманидаги 5-Меҳрибонлик уйида "Меҳр-мурувватдан диллар шод бўлди" деб номланган маданий-маърифий мавзуда тadbир ўтказилди.

Бу даргоҳда бугунги кунда 97 нафар бола тарбияланмоқда. Уларга малакали мураббийлар томонидан пухта таълим-тарбия бериб келинмоқда.

— Қувончли жиҳати, энг улғу, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик кунинда мазкур корхона вакиллари ўзларининг хайрия совғаларини тортиқ қилганликлари бизга бир дунё шодмонлик улашди, — дейди Меҳрибонлик уйи директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиби Тоштемир Сатторов.

Меҳрибонлик уйи қошидаги "Маржона" болалар бадийи жамоаси иштирокчилари ижросидаги Ватанини, истиқлолни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар барчага манзур бўлди.

Нормамат Пўлатов раҳбарлик қилаётган "Меҳр-мурувват мўъжизаси" шўба корхонаси жамоаси Қарши шаҳридаги Мурувват уйи, Китобдаги Гўдақлар уйи, шунингдек, кам таъминланган оилаларга доимий равишда кўмаклашиш билан бирга болаларнинг суннат тўйларини ҳам ўтказишга бошқош бўлишяпти.

Мазкур жамоа аъзоларининг саяёҳатлари билан пойтахтимизнинг Қорақамиш даҳасидаги 2-ва 100-маҳсус интернатлар, Бухоро шаҳридаги 32-Меҳрибонлик уйларига ҳам баҳоли қудрат хайрия ёрдамлари уюштирилаётганлиги эътиборга лойиқдир.

ШАВКАТ СУЛТОНОВ,
Қашқадарё вилояти.

МУСТАҲКАМ ОИЛА ПОЙДЕВОРИ



Бундан 20 йил аввал, халқимизга хос хусусиятлар: меҳр-оқибат, одамийлик, ўзга миллат ва элатларга ҳурмат, ақлзаковатга интилиш, ор-номус, ифбат ва ҳаё каби фазилатларга асосланган — халқимизнинг миллий давлатчилик тарихий анъаналари ва қадриятларини ҳисобга олган, илк бор халқ иродасини мустақил равишда ифода этган Қомус сифатида мустақил давлатимизнинг Конституцияси қабул қилинди.

Асосий Қонунимиз Ўзбекистон тарихида янги саҳифани очиб берди. Унда жамиятнинг ҳамма бўғинлари, жумладан, унинг асосий бўғини бўлган оила ҳақида, унинг жамият ривожига дағи роли ва ўрни ҳақида мутлақо янги қарашлар илгари сурилган.

Маълумки, оила муносабатлари ижтимоий муносабатларнинг алоҳида бир шакли бўлиб, ўзи таркиб топган жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тузилишидаги қоидаларга мос равишда шаклланади, ундан ташқарида, ажралган ҳолда, унинг иқтисодиётини, ижтимоий ҳаётидан узилган ҳолда ашай олмайд.

Давлат ва жамият, унинг маданияти ва иқтисодиёти, ахлоқ ва ҳуқуқ қоидалари ўзида мавжуд бўлган воситалар билан оилани қўриқлайди, гамхўрлик қилади. Унда ажодларимиз ўғити — оиланинг муқаддаслиги, ота-оналар билан болалар, эр-хотин ва қариндошлар ўртасидаги муносабат марказий ўринни эгаллайди. Яна шуни таъкидлаб ўтиш керакки, хусусий мулк ва оила мулкнинг дахлсизлиги, уларнинг давлат томонидан ҳимоя қилиниши ҳар бир оила учун, унинг униб-ўсиши, равнақи ва камол топиши учун етарли моддий база яратиб берилган.

Конституцияда белгиланган қоидаларнинг ижтимоий жараёнларга ижобий ва самарали таъсир кўрсатиши жамиятнинг асосий бўғини бўлган оиладаги муносабатларнинг мустаҳкамланишига, фуқаролар ҳуқуқий онгининг кўтарилишига, оиланинг жамиятдаги макъеи мустаҳкамланишига олиб келди. Конституциянинг 46-моддасида назарда тутилган хотин-қизлар ва эркеклар тенг ҳуқуқлиги, бу тенгликнинг моддий ҳамда маънавий кафолатини белгилаб берган.

Асосий Қонуннинг бошқа бир қатор моддалари оилавий муносабатларнинг негизини ташкил қилади. Оилавий тотувлик, ҳамжихатлик, ёш соғлом авлодни тарбиялаш, уни жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топтириш, ёш оилани жамият равнақи учун хизмат қилишга тайёрлашда асосий роль ўйнайди. Оилани мустаҳкамлашни таъминлай оладиган асосий ҳуқуқий ҳужжат сифатида Конституцияга махсус "Оила" боби киритилган.

Конституциянинг XIV "Оила" бобида оила муносабатлари эр билан хотин,

ота-она билан болалар ҳамда қариндошлар ўртасидаги муносабатлар, шунингдек, болалар тарбиясига оид йўналишлар ҳуқуқий жиҳатдан асослаб берилди. Конституциянинг асосий қоидаларига амал қилиниб, 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодекси оилани мустаҳкамлашга, соғлом авлодни баркамол вояга етказишга, эр-хотин, ота-она ва болалар ҳамда қариндошлик муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Оила Кодексида миллий қадриятларимиз, қадимий анъаналаримизнинг энг яхши намуналари ўз аксини топган. Соғлом авлод тарбияси учун, оилада соғлом муҳит яратилиши, бу муҳит-меҳнат, шахс, ахлоқ муштараклигини, уларнинг ўзаро муносабатлари тўғри ташкил қилиниши билан вужудга келишини ҳисобга олган.

Давлат ва жамият ўзининг маданий салоҳияти ва иқтисодиёти, ахлоқий қарашлари ва ҳуқуқий қоидалари ҳамда ўз тасарруфида бўлган бошқа барча воситалар билан оила тўғрисида гамхўрлик қилгандагина мустаҳкам бўлади. Шу сабабдан ҳам "Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга" эканлиги Конституциянинг 63-моддасида ўз ифодасини топган.

Конституцияимизнинг 64-моддасида "Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунарига қадар боқиш ва тар-

биялашга мажбурдирлар", деб белгиланган. Бизнинг жамиятда ота-оналар билан болалар ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва иззат юксак қадрланади. Қонқариндошлик ҳиссиёти, ота-оналик ва фарзандлик бурчига ҳурмат туйғуларини тарбиялашга алоҳида эътибор берилди. Оила қонунни ота-оналарга ўзларининг вояга етмаган болаларига нисбатан маълум ҳуқуқлар бериш билан бирга, маълум мажбуриятлар ҳам юклайди. Бу ҳуқуқий муносабат вояга етмаган болалар тўғрисида уларнинг ота-оналари гамхўрлигининг бир шакли сифатида намоён бўлади. Бу — шахсий номулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлар ота-оналик ҳуқуқи дейилади. Ота ва она вояга етмаган болаларига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятлардан тенг фойдаланади.

Конституциядаги ушбу норма Оила Кодексининг 71-моддасида ҳам ўз аксини куйидагича топган. «Ота-она ўз болаларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар (ота-оналик ҳуқуқлари). Ушбу бобда назарда тутилган ота-оналик ҳуқуқлари болалар 18 ёшга тўлганларида (вояга етганларида), шунингдек вояга етмаган болалар никоҳга кирганларида ҳамда қонун билан белгиланган бошқа ҳолларда болалар вояга етмасдан тўла муомала лаёқатига эга бўлганларида тугайди» деб ўз ифодасини топган. Ота-оналарнинг шахсий номулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлардан энг масъулиятли, жамият олди-

да бурч сифатида амалга оширилади-гани — ота-оналарнинг болаларига таълим-тарбия беришга оид ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳисобланади. Ёш авлод учун гамхўрлик, уни жисмоний ва ахлоқий томондан тарбиялаш, аввало, оиланинг энг муҳим вазифаларидан ҳисобланар экан, бунда марказий ўринни барибир ота ва она эгаллайди.

Конституцияимизнинг 66-моддасида, бошқа конституцияларда акс этмаган шарқона инсонийликни ўзида мужассам этган, ота-она ва болалар ўртасидаги яқинлик, гамхўрлик ҳамда меҳр-муҳаббатни мустаҳкамлаш гоёси ўз ифодасини топган. Унда "Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида гамхўрлик қилишга мажбурдирлар" деб белгилаб қўйилган.

Ота-оналар қариганда, меҳнатга лаёқатсиз бўлиб, ёрдамга муҳтож бўлганларида, ўзларининг болаларини вояга етгунга қадар етарли даражада таъминлаб турганликлари, тарбия қилганликлари ва уларнинг ҳам жисмонан, ҳам руҳан камол топиши учун гамхўрлик қилганликларининг меваси сифатида вояга етган болаларидан маънавий ва моддий ёрдам талаб қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ота-оналарига ихтиёрий равишда маънавий ва моддий ёрдам бериб туриш ўзбек оилаларида турмуш тарзини белгилайди. Шу сабабдан ҳам бизнинг мамлакатимизда вояга етган болалар ўз фарзандлик бурчларини ҳақиқатан ихтиёрий равишда бажарадилар. Амалиётда фарзандлик бурчини ихтиёрий бажаришдан бўйин товланганларга нисбатан суд йўли билан таъсир чоралари кўриш камдан-кам учрайди. Бундай ҳолларда вояга етган болаларни ўз ота-онасига маънавий ва моддий ёрдам бериш ҳуқуқий асослари Оила кодексига ҳам белгилаб қўйилган.

Зеро, ҳаёт, яшаш, турмуш тарзи, болалардан ўз ота-оналари ҳақида ҳар доим гамхўрлик қилишни талаб этади, бу эса ҳар бир фарзанднинг ота-она олдидаги ҳаётий, фарзандлик бурчини ҳамда конституциявий мажбуриятининг бажарилишини таъминлайди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон давлатининг мустақилликига эришгандан сўнг ўтган ривожланиши даврида қабул қилинган Конституцияси ва унинг асосида қабул қилинган қонунлари, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ижтимоий муносабатларнинг тақомиллаштишига, оилаларни мустаҳкамлашга, хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва макъеининг ошишига самарали хизмат қилмоқда.

Робохон АБДУРАСУЛОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати.

...Умрзоқ ота эрталаб кўчага чиқаётганида, кўшни хонадонлардан бирида ҳовли супураётган келинчакка кўзи тушди. Келин ҳам кўчадан ўтиб кетаётган отахонни пайқагани захоти эгилиб таъзим билан салом берди. Отахоннинг кўнгли ёришиб дуо қилди:

— Илоҳим, кўшганинг билан кўша қаригин, қизим. Шу хонадонда палак ёзиб, ширинданшакар фарзандларга она бўлиш насиб этсин!

Келинчақнинг кўзларида ёш қалқиди. Бу олижаноб инсонга қай йўсинда миннатдорчилигини изҳор қилишни билмасди. Боиси... Бир баҳя қолган эдида, аризмаган баҳона билан унинг турмуши барбод бўлишига.

Умрзоқ ота ҳам ўша кунни яхши эслайди. Йўл-йўлакай маҳалла фуқаролари йлғини биноси ёнидан ўтаётиб, қизиқ ҳолатга дуч келди. Ёш олтмышларга бориб қолган аёл маҳалла оқсоқолининг ҳам, фаолларнинг ҳам сўзига қулоқ солмай келинини ёмонлаб тинимсиз жаврарди.

ЯХШИЛАРГА ТАЪЗИМ ҚИЛИНГ!

Қараса, вазият чаток. Томошабинлик қилиб ўтириш кулгули. Бирданига муросяо мадора йўлини излади. Икки тарафни ҳам гап-сўзлари, важ-корсонларини эринмасдан эшитди ва сўнги хулосани ўзи айтди:

— Ҳар биримиз ўғил уylanтирай, қиз чиқарайин, эл олдида юзим шувит бўлмасин деб бир умр тиним билмай, ўзимизни ўтга, чўққа уриб ишлаймиз, толганимизни йлғамиз. Охир оқибати нима бўлади? Ақлга сифмайдиган майда-чуйда сабаб туфайли бирданига айб қидиришга тушамиз. Холажон, сизнинг ўзингиз ёшлигингизни эсланг, сиз-чи, ука, кувёлик маҳалингизни би-и-р кўз олдингизга келтиринг-чи? Ҳеч ким осмондан мукамал бўлиб тушмайди. Бу келин ҳам бировнинг гулдек фарзанди. Шунинг

учун ҳар қандай гина-қудратни унутиб, бугундан бошлаб, маҳалланинг энг ибратли оиласи бўлишга интилинлар. Қани, қизим, қайнонангизга бир таъзим қилинг-чи...

Ушбу ҳикмати сўзларни эшитиб, ҳозиргина бир-бирига кўз олайтириб турган кишилар бирданига хижолат тортганча тарқалишди. Шу-шу бўлдию, бу хонадондан кўчақўйга "гап" чиқмади...

— Яраштириш комиссияси аъзоси Умрзоқ Мамадиёров маҳалламизда аҳён-аҳёнда учраб турадиган айрим оилавий келишмовчиликларнинг олдини олишда катта қўлиги тажрибага эга, — дейди Нарпай туманидаги Йймон МФЙ раиси Исомиддин ака Тангриев. — Аслида у киши кўп йиллар эл орасида обрў-эътибор қозонгани

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

учун бизга яқиндан беминнат кўмак беради. Айниқса, эндигина қурилган ёш оилаларни кузатади, ўрганади. Улардан йўл-йўриқ, маслаҳатини аямайди.

Чорвадорлар оиласида туртилган Умрзоқ Мамадиёров номини тумандаги Янгиработ қишлоғидаги каттаю кичик ҳурмат билан тилга олади. Отахон бундай эҳтиромга осонликча эришгани йўқ. Солиҳ фарзандлар тарбиялагани, умр бўйи халқ хизматида камарбаста бўлгани, айна пайтда ҳам юртга дахлдорлик ҳисси билан яшаётгани учун кўпчилик эъзозлайди. Асосийси, катта ҳаёт мактабини ўтаган инсон ортидан эргашади.

Умрзоқ ака кўп йиллар тумандаги 40-умумтаълим мактабида ўқитувчи, директор, табиатшунослик ва экологик тарбия маркази раҳбари лавозимларида ҳалол ва холис хизмат қилди. Айна чоғда туман "Мари-фатпарварлар" жамияти раиси ҳам.

Энг муҳими, Умрзоқ ака бахтини, саодатини биринчи навбатда ўз оиласидан топган инсонлардан бири. Ахиллик, меҳр-оқибат бобида бу оила бутун маҳаллага намуна бўлгүлик десак арзийди. Умр йўлдоши Мелихол опа билан икки ўғил, уч қизни тарбиялашди. Фарзандлари Музаффар СамДУ ўқитувчиси, Дилфуза врач-лаборант, Дилшода ўқитувчи, Дилноза тарбиячи, Жасурбек эса ички ишлар соҳасида хизмат қилапти.

Бу оилада деярли ҳар кунни одатий бир манзара тақдорланади. Яъни ҳамма дастурхон атрофида жамулжам бўлган, Умрзоқ ака "митти ватан"даги қувонч-ташвишлар хусусида маслаҳатлашиб олади ва катта-кичикка оқ йўл тилаб, кузатиб кўяди. Ўзи ҳам уларнинг ортидан элдошлари ҳузурига шошилади.

Ҳошим ОРЗИҚУЛОВ,
"Оила ва жамият" муҳбири.
Самарқанд вилояти.

...Ярим тун. Турфа чироқлар шуъласига фарқ бўлаётган шаҳар. Кўчалар четидаги биноларнинг ертўлаларида айни кизгин «иш палласи». Гейм-клуб ўзини «моҳир» сановчи ўйинчилари билан лиқ тўла. Тўда орасидаги чамаси 11-13 ёшли, жусса кичик болакай эътиборингизни тортмай қўймайди. Унинг кўзлари компьютер экранига ўқдек қадалган, ҳозир бола учун ўзи бошқараётган қахрамондан бўлак «дўст» йўқ.

У атроф-борлиқни, одамларни мутлақо унутган. Хаёлида фақат «ғалаба» ҳиссини туйиш истаги ҳукрон. «Контр-страйк» исканжасидаги митти вужуд ҳозир жанг қиляпти: йўлига гов бўлган душманларни бирин-кетин ер тишлатмоқда. Мана, у бир «душман» аскарини ваҳшийларча, қоқ пешонасидан отиб ташлади. Иккинчисини эса «қиличи» билан қип-қизил қонга белади. У кутилган «қотиллик миссияси»ни аъло даражада уддалади. Ниҳоят ўйин сўнгидега содир этган «жиноят»нинг даҳшатли манзарасини кузатар экан, кўрқувдан эмас, аксинча шодликдан қий-қириб юборади... Ҳа, болакай шу орқали ўзича гўё «Мен ҳеч нарсадан кўрқмайман», деган «ҳақиқат»ни олдин ўзига, сўнг ёнидаги ўйинсевар дўстларига исботламоқчи.

Шаҳар плейстейнларидаги бундай ҳолни кузата туриб ақлингиз шошади. Ўй-хаёлларингиз чексиз саволлар гирдобиде қолади: Нега мурғак болакай ярим тунда қаровсиз юрибди? Тутунли, чанг босган ўйинхонага уни нима етаклаб келди? Ваҳшийликдан сабоқ олаётган гўр гўдакнинг келажаги қандай кечади?

БОЛАЛАРНИНГ "ОНАСИ" — ТЕЛЕВИЗОР...

...Боласининг хархашасидан безор бўлган она охири телевизор пултини босади-ю, уни илк бор телевизордек мўъжиза билан юзлаштиради. Гўдак ҳам бундай гаройибот олдида овунати-қолади. Бу болажон руҳиятидаги механикаларга бўлган қизиқшининг инъикоси. Айни шу сонияларда унинг нигоҳлари экрандаги манзараларга тикилиб қолади. Бора-бора она фарзандини телевизор билан алдайдиган бўлади. Фарзанд тарбиясидан тежалган вақтни эса тарбиядан-да муҳим бўлган қандай ишга сарфлаш мумкин? Баъзан ўзи миттигина-ю, фикрлаши катта одамларга ўхшаш болаларни кўрамузу, бундан беихтиёр ажабланимиз. Балки виртуал олам жозибаси ва ахборот воситалари (хусусан, телевизор ёхуд компьютер) билан узлуксиз мулоқот болаларнинг эрта улғайишига, аянчли сахналар ва кўрқинчли лавҳалар эса уларнинг дийдасини қотишига сабаб бўлмаётими?

Кўпинча катталарнинг «Биз бундай эмас эдик» деган иддаолари қулқоқ чалинади. Ҳолбуки, бундан ўн беш йиллар аввал замонавий технологиялар бу қадар тақомиллашмаган, компьютер ўйинлари эса бу даражада оммалашмаган эди. 7-8 ёшли боланинг ўта ваҳший ўлим сахналарига бой фильмни киприк қоқмай томоша қилишини кузатганмисиз? Демак, катталар кўп таъкидлаётган замонавий ҳаёт бизни худбинлаштишга, инсоний хислатлардан йироқлаштишга ундамоқда.

Ота-оналар фақат фарзанднинг моддий таъминоти билангина шугулланиб, қолганларига иккиламчи нарсасидек қарашлари мутлақо нотўғри. Бола бўш вақтида нима билан машғуллиги, дўстлари ва қизиқиши, тушлик учун берилган пул ҳақиқатдан ҳам тушликка сарфланаётгани билан қизиқиши ҳар қандай моддий таъминотдан-да муҳимроқдир. Ҳўш, бу ҳақда мутахассислар нима дейди?

РУҲИЯТ КУШАНДАСИ

**Зиёда Бекмухаммедова,
болалар руҳшуноси:**

— Бундан бир неча йиллар бурун компьютер билан боғлиқ муаммолар кузатилмас эди. Аммо ҳозир учраётган аскарият руҳий касалликлар, хусусан, популяцион синдром, психоневроз, потохарактик реакция,

ча болалар ойнаи ҳажон қарши-сига жуда яқин ўтирадилар. Ваҳоланки, ўзиб келаётган бола телевизордан камиде 3 метр, дисплей, компьютердан эса 35-40 см. узоқликда ўтириши керак. Энг ёмони, ўйинлар фонига асосан, тўқ (қизил, сариқ, мовий) ранглар бериллади. Бу ранглар кишини жалб этгани, унга жўшқинлик бағишлаши билан бирга кўз нурунинг пасайишига ҳам сабабчи бўлади.


ЎЙИН СИФАТИ МУҲИМ!

**Давронбек Матқурбонов,
информатика ўқитувчиси:**

— Компьютер ўйинлари жанр-рига кўра 7 турга бўлинади: ҳаракатланувчи, саргузашт, стратегик, мантиқий, пойғалар,

БОЛАНГИЗНИНГ ДЎСТИ КИМ?

ёхуд яна компьютер, телевизор хусусида



шахсиятнинг иккиланиши каби ҳоллар экранга тобелик натижасида келиб чиқмоқда. Яқиндан тиббийёт популяцион синдромни асаб хасталиги дея эътироф этди. Популяцион синдром бола руҳий фаолиятининг бузилишидир. Авваллари бу бузилиш ақлий ривожнинг тўхтаб қолиши ҳисобланган ва жуда кам учраган. Ҳозирда эса ода-тий ҳолга айланиб улгурди. Касалликдан азият чекаётган болаларнинг аксарияти 8-11 ёшли болалар. Шафқатсиз ўйинлар таъсирида бола руҳиятида ёввойилашиш, реал воқеликдан узилиш рўй беради. Оқибатда ёш организм ўз қобиғига ўралиб, фақат ички дунёсидаги ҳиссиётлар билан яшайди. Экранга михланган бола наркотика қарам гиёҳвандга ўхшайди. У ўйиндан етарли дозани қабул қилмагунига қадар ўзини фалаж кезади.

Бир куни 12 ёшли Константин исмли бемордан «Дўстларинг кўпми?» деб сўрадим. Унинг жавоби мени гангитиб қўйди. Бола ҳеч иккиланмай «Менинг дўстим компьютер, бошқа ҳеч кимнинг кераги йўқ менга!» дея жавоб қайтарса бўладими?

**Наргиза Шарипова,
окулист-шифокор**

— Айни кунда 30 фоиздан ортққ ўсмир ёшдаги болаларда узокни кўра олмаслик касаллиги тез-тез учрамоқда. Кўпин-

симулятор ва кўнгилоҷар. Бу ўйинларни ишлаб чиқариш индустрияси 1947-1952 йиллардан бошланган. Бу узван «оммавий маданият»нинг айни куртаклаган даврларига тўғри келади. Йирик саноатнинг ватани АКШ бўлиб, илк ўйин «ракетта симулятори» деб номланарди. Ҳозирда компьютер ўйинларининг дунё миқёсида 50 млн.дан ортққ мухлиси бор. Олимлар фикрича, «иқо оф дўстий», «контр-страйк», «бат-тефиелд», «морлт комбат», «резидент эвил» каби ўйинлар болалар учун ўта хавфли. Боиси улар руҳиятни заифлаштиради, қонли сахналар биринчи кўришда этни сескантирса, бирдан сари унга кўникиб, ода-тий тусга айланади. Хатто реал қотилликка мойиллик уйғотади. Очиги, компьютерни таъқиқлаб кўя олмаймиз, аммо фарзандларимизнинг ўйинга сарфлаётган вақтини назоратга олиб, ўйинлар сифатини текшириш ўз қўлимизда-ку!

Албатта, боланинг дунёқарашини ўстиришга, мантиқий фикрлашини ривожлантиришга хизмат қилувчи ўйинлар ҳам бор. Аммо ўсмир камдан кам ҳоллардагина мустақил равишда мукамал нарсаларга интилади. Шундай хавфли ўйин дастурлари ҳам борки, уларни ишлаб чиқишдан мақсад — руҳиятдаги яширин агрессияни кўзгагиш, инсонни қасддан қотилликка ундаш ва хатто ўз-

Долзарб мавзу



ўзини ўлдириш ҳолларига олиб боришдек туюлади. Интернетдаги корейс он-лайн ўйинларининг бирини куйидаги сўзлар ифодаланган эди: «Сен ўзингни ўлдирсанг, озоқликка чиқасан... Сен кўрққсан, ҳеч кимга керагинг йўқ! Бу дунё бешафқат дунё, уни тарқ этибгина қайта тугилишин мумкин».

Статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, гарб давлатларида содир бўлаётган кўпурвчилик ҳаракатлари, қотиллик каби жиноятларнинг 35 фоизи ўсмир ёшларнинг ҳиссасига тўғри келар экан. Воёга етмаган жиноятчиларнинг аксарияти хавфли тусдаги ўйинлар билан овунмоқда. Масалан, 1999 йил Коломбайн мактабининг икки ўқувчиси ўз ўқитувчисини шафқатсизларча отиб ташлаб, сўнг ўз жонларига қасд қилган. Бир неча ой «гранд зефт авто»га муккасидан кетган йигитча Коди Поззи 2004 йилнинг қишида онаси ва синглисининг қотилига айланганига нима дейсиз? Корейлик ўспирин Чо Син Хи эса Виржиния университетининг 32 нафар талабаси ҳаётига зомин бўлди. Кейинроқ жиноятчи манхут ўйини шайдоси бўлгани маҳаллий полициянинг суриштируви натижасида аниқланди. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бироқ бир нарсани аниқки, жиноят содир этган ёш ўсмирлар кучли агрессия курбони бўлган. Шу ўринда бир савол тугилади. Болалардаги яширин агрессия ҳолати қандай келиб чиқади?

2005 йилда Вашингтон университети профессори Фредерик Зиммерман 4 ёшдан 11 ёшгача бўлган 1266 та болада тадқиқот ўтказиб шундай хулосага келди: Аслида болакайдаги жинзақилик, жаддорлик, бетгачопарлик ҳолати ваҳший теле-видео, компьютер ўйинлари таъсирида эмас, ота-онанинг бепарволлиги сабаб келиб чиқар экан. Гўдак ўзига шу тарзда эътибор тортишга уринади. Ота-онасидан топа олмаган меҳрни митти қалб «темир қути» лардан излайди. Бунинг аянчли натижаларини эса юқорида келтирдик.

Қадимдан халқимиз бола тарбиясига алоҳида аҳамият бериб келган. Бугун ота-оналардан талаб қилинадигани фарзанд тарбиясига беларво бўлмаслик, унинг эркин фикрлаши-ю ҳаётга мустақил қадам ташлашига кўмаклашидир. Ёш ниҳолга қанча парвариш керак бўлса, фарзандга ҳам ота-она меҳри, муҳаббати сув ва ҳаводек зарур. Зеро, келажақда у пурвикор дарахтга айланиб, ўзини, фарзандларини, халқини ҳар қандай ёт гоининг довул-у бўронларидан химоя қилади. Маънавий таҳдидлардан муҳофазаланган руҳан соғлом оиланинг чинакам суяничи ва таянчига айланади.

**Одина ҚУЛМУРОДОВА,
ЎзДЖТУ талабаси.**



ХОКИПОЙ — халқ тилида, эртақ ва дostonларимизда тез-тез учрайдиган «хокипой» сўзи «оёқнинг чанги, гарди», «оёқ остиданги тупроқ» деган маъноларни англатган.

Армон бўлди
Хокипойин ўпмадим,
Долдоримга кўп зор
айладинг, фалак.
«Тоҳир ва Зухра»
дostonидан

ФУТБОЛ — бу сўз тилимизга англис тилидан кириб келган бўлиб, унинг туб илдизи «foot» — «оёқ», «ball» — «тўп» деган маъноларни англатган.

Футбол тўпи.
Футбол ўйнамоқ.

ЧАППАР — Ҳамид Олимжоннинг:

Водийларни яёв
кезганде,
Бир ажиб ҳис бор эди
манда.
Чаппар уриб гуллаган
богин,
Ўлар эдим ватан
тупрогин —

деган сатрларини яхши биламиз. Ҳўш, «чаппар» сўзи қандай маънога эга? Чаппар «бирварақайга, ёппасига, ялписига юз бермоқ» деган мазмунни ифода қилади. Шунингдек, бу сўзнинг «чарх урмоқ», «шиддат билан ҳаракат қилмоқ» деган маънолари ҳам бор.

ҚАВСОБ — қавс ойда, яъни ноябрь охири, декабрь бошларида ерни суғориш учун бериладиган сув шу сўз билан ифодаланади. «Қавсоб» «қавс суви» деган маънони билдиради.

Бу пайтда дехқонлар
ерга қавсоб бериб
бўлишганди.

Журналдан

ПУРҲИҚМАТ — бу сўз «ҳикматга тўла», «ҳикматга бой» деган мазмунни англатади. Шунингдек, тилимиздаги «пурмаъно», «пурмазмун», «пурқудрат» каби сўзлар ҳам шу асосда пайдо бўлган. Яъни, бу сўзларнинг бошидаги «пур» сўзи «тўла», «тўлиқ», «жуда кўп» деган маъноларни билдиради.

Боболаримизнинг пур-ҳикмат фикрлари шууримизни маърифат ёғдулари билан тўлдиради.

Газетадан

Эшқобил ШУКУР
тайёрлади.

Соғлом она — соғлом бола

ИККИ ДУНЁ ОРАСИ

ёки туғиш ёшидаги аёлларга айрим маслаҳатлар

Бу дунёда оналик бахтидан улғурок бахт бормикан? Ўз вужудида мурғак жонни улғайтираётган қай бир волида унинг соппа-соғ туғилишини, келажакда комил инсон бўлиб вояга етишини орзу қилмайди? Албатта, бу эзгу ниятга етмоқ учун ҳар бир аёл ҳомиладорлик даври учун ўз организмни пухта тайёрлаши лозим. Бундай дамларда унга бўлган эътибор икки баробар кучайиши табиий жараёнга айланади. Сир эмас, ҳамма аёллар ҳам "иккиқат"лигида ўзларида рўй бераётган қутилмаган ўзгаришлар сабабини тушуниб етмайди. Хўш, бу борада қандай йўл туттиш керак?

Ушбу долзарб мавзуга оид фикр-мулоҳаза, кузатувларини олий тоифали шифокор, акушер-гинеколог Махмуда ИММОНКУЛОВА шундай изоҳлайди:

Ҳомиладорлик белгилари

Ҳайз келишининг тўхташи, бошқоронглик (токсикоз), кўнглик айниши, қайт қилиш, тез-тез сийдик ажралиши, кўкрак безларидаги оғриқ, юзда доғлар пайдо бўлиши ҳомиладорликнинг илк белгилари саналади. Бундай аломатлар кузатилган аёл шифокорга қанчалик тез муурожаат қилса, дилбандининг соғлом туғилиши йўлида илк қадамни қўйган бўлади.

Овқатланиш тартиби

Ақсарият аёллар ҳомиладорлик даврида калорияси кучли ва нархи қиммат маҳсулотларни кўпроқ истеъмол қилиш керак, деб ҳисоблайди. Бу умуман нотўғри фикр. Кундалик таомномалардаги энг оддий озиқ-овқатлар ҳам аёл саломатлиги учун жуда фойдали бўлиши мумкин. Зеро, бу даврда бўлғуси онанинг организми бошқа вақтдагидан ҳам кўпроқ турли витаминларга эҳтиёж сезади. Ҳомиладор хотиннинг овқатланиш тартиби 5 хил гуруҳ маҳсулотларидан иборат.

1. Нон ва нон маҳсулотлари организмни крахмал ва минералларга бойитиб, инсонга қувват беради.

1. Мева ва сабзавотлар организмга минерал ва витаминларни керакли микдорда етказиб беришга имконият яратди.

3. Сут ва сут маҳсулотлари организм учун оқсил, кальций ҳамда витаминлар манбаи



ҳисобланади.

4. Гушт, балик, тухум, дуккакли (ловия, нўхат) ва ёнғоқ маҳсулотлари таркибидега темир, оқсил кўплиги боис организмнинг бундай фойдали моддаларга бўлган эҳтиёжини тўла қондира олади.

5. Турли ёғлар, ширинликлар таркибидега шакр сақловчи моддалар бўлиб, уларни оз микдорда истеъмол қилиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун кунига 1 чой қошиқ сариеғ, шу микдорда ўсимлик ёғи ва уч чой қошиқ шакр истеъмол қилиш тавсия этилади.

Вазн ортиб боради

"Иккиқат" аёлнинг вазни ҳар ойда ортиб боради. Ҳомила пайдо бўлгандаёқ вазн аниқлаб олинса, унинг туғруқ вақтигача ўрта ҳисобда 8-10 кг. ортиши табиий ҳол саналади. Бундан ҳеч хавотир олмасдан, соғлом турмуш тарзини давом эттиравериш лозим. Бу даврда, айниқса, жисмоний машғулотлар қорин мускулларини мустаҳкамлашга яқиндан ёрдам беради. Оёқ-қўллар шишаётган бўлса, сув ичишда меъёрга амал қилиш керак. Хусусан, кун давомидега ичилади-

ган сув микдори 1 литрдан ошмаслиги лозим. Ичилаётган суюқлик қайнаган сув ёки мева шарбатлари бўлиши мақсадга мувофиқдир. Чой ёки кофе таркибидега кофеин моддаси аёл организми учун жуда керакли бўлган темир моддасининг сўрилишига тўсқинлик қилади. Шу боис овқатланаётган вақтда уларни ичмаган маъқул. Туз микдори ҳам 6 граммдан (1 чой қошиқ) ошмаслиги зарур.

Тамакидан узоқ бўлинг

Фарзанд кутаётган аёлнинг тамаки чекиши, спиртли ичимликлар истеъмол қилиши ёки гиёҳванд моддаларни қабул қилиши боланинг турли нуқсонлар билан туғилишига сабаб бўлишини ҳаммамиз яхши биламиз. Аёл чекмаса-ю, атрофидагилар чекса, унда у пасив чекувчи ҳисобланади. Бу эса организмга сигарет чеккандан ҳам ёмонроқ таъсир қилади. Шунинг учун ҳам бошқаларнинг иккиқат аёл олдида чекиши қони зарар. Фарзанд кутаётган аёл дори-дармонларни ҳам илоҳи борича ичмаслиги жоиз. Жуда зарур бўлганда шифокор маслаҳати ва унинг назорати остида дори қабул қилиш мумкин.

Туғиш кўрқинчли эмас

Туғишдан мутлақо кўрқмаслик керак. Тўғри, бу ҳолат осон ва энгил ўтадиган жараён эмас. Лекин ҳар бир бўлажак онага туғиш Момо Ҳавомиздан мерос экан, истаса-истамаса, бу босқичдан ўтишга мажбур. Демакки, аёл ўзини бу жараёнга аввалдан тайёрлаб келгани маъқул. Бунинг учун аёл ўз-ўзига мен кучлиман, ҳар қандай оғриқни енга оламан, шифокорнинг айтганларини сўзсиз бажараман, мен жуда осон тугаман, деган фикрларни сингдира билиши шарт. Ҳадемай чақалогимни бағримга босаман, уни отасига кўрсатаман, у жуда ширин, чиройли, фарзандимни тезроқ кўргим келаяпти қабилидаги ўз-ўзини ишонтиришлар ҳам онага куч-қувват бағишлайди.

"Оила ва жамият" мухбири Барно МИРЗААХМЕДОВА тайёрлади.

И Б Р А Т

ШУНДАЙЛАР БОР БЎЛСИН!

Одам боласи борки, у эртанги кундан ҳаммиша умидвор бўлиб яшайди. Бундайлар ўзининг эзгу ниятлари ва ютуқларини яқинлари, маҳалладошлари билан баҳам кўришдан, уларнинг бирон-бир қорига ярашдан қувонади. Ургут т у м а н и д а г и "Илонли" қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Соғвон маҳалласи аҳли Соғида опа Сафарова ҳақида сўз очилса, унинг исми-шарифига фидойи, жонқуяр деган таърифларни албатта қўшиб айтади. Бундай самимий эътирофга сазовор бўлмоқ опа учун албатта осон кечгани йўқ.



...Ота-онасидан ёшлигида ажралган Соғида опа яқин қариндошлари ва маҳалладошлари кўмагида оёққа турди. Тўғри, инсоннинг ҳаётида ёмон кунлардан кўра, ёруғ ва яхши дамлар ҳам кўплигини лавҳамиз қаҳрамони ўз бошидан неча бор ўтказди. Бугун ўша лаҳзалар, воқеалар Соғида опа учун олис бир хотирага айлиниб қолди.

— Турмуш ўртоғим Одил ака Облоқулов билан беш ўғил ва бир қизни тарбиялаб, эл қорига яровчи, ҳалол ва пок инсонлар қилиб улғайтирганимизга шукроналар айтаман, — дейди биз билан суҳбатда Соғида опа. — Оллоҳ бандасини бериб синар экан, олиб синар экан. Тақдир менинг сабр-бардошимни яна бир қарра синовдан ўтказди. Тақдир экан-да, турмуш ўртоғим энди ҳаёт лаззатларини тотаман деган пайтда дунёдан ўтди. Бошида анча қийналдим. Лекин одамзот кўп синовларни ўзининг суянкалари — бағрикенг жигаргўшалари, дўстлари ёрдамида энгиб ўтар экан. Бундай кунларни мен ҳам кўрдим. Худойимга минг қатла шукр, бугун ўғил-қизларим, неваралар билан бағрим тўлди, улар атрофимда парвона, хизматимга шай. Илоё, ҳаммалари ўзларидан униб ўсишин. Ўрғигидан мағзи ширин, деганларидек, униб-биридан ёқимли невараларим қуршовида пиру бадавлат онахон бўлиб ўтирибман. Фарзандларимга ҳаммиша эл-юрт хизматига камарбаста бўлишни, ҳалоллик ва тўғрилиқда ҳикмат катта эканлигини ўқитишдан чарчамайман.

Опанинг фарзандлари ҳомийлиги асосида қишлоқ марказида маиший хизмат комплекси бунёд этилиб, бу ерда қишлоқ аҳли учун гўзаллик саломи, стоматология, мини-маркет, кийим-кечаклар дўкони ва чойхона фаолият кўрсатмоқда. Яқинда бу оила аъзолари сазй-ҳаракати билан мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида ўз маҳалладошларига ажойиб совға туғфа этишди. Улар Соғвон маҳалласида анчадан буён режалаштирилган, аммо молиявий муаммолар сабабли қурилиши ортага сурилиб келинаётган болалар спорт комплекси қурилишини ниҳоясига етказишяпти. Бундан ташқари, маҳалла аҳлининг тўй-ҳашамлар учун жой қидириб юришига чек қўйиш мақсадида янги тўйхонанинг пойдевори ётқизилди. Ўзлари умргузаронлик қилаётган гўшанинг ободончилиги, элдошларининг бирдамлиги, аҳил-иноқлигидан руҳланган Соғида Сафарованинг ҳали эзгу ниятлари бир дунё.

Узоқ ОМОНОВ,
Ургут тумани.

ҲИҚМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИҚМАТДИР ДУНЁ

Ўз вақтидан кечкиб берилган ишом-эҳсон маҳкам тортилган занжир мисоли қаттиқ бўғувчидир.

Икки нарса бир дарахтнинг бутоғидир, яъни, иккаласи ҳам бир хилдир: бирор нарса сўраганга (тилаганга) бера-ю, аммо кейин уни миннат қилса, иккинчиси, ўзининг ишом-эҳсонини аяб, хасислик қилса, чунотчи Аллоҳ таоло наздида миннат билан бир нарса бериш ва хасислик қилиб бермаслик қабоҳатда баробар ҳисобланади.

Аз-ЗАМАХШАРИЙ

ЭЪЛО!

Тошкент шаҳар Миробод тумани техник ашёлаш бюроси (БТИ) томонидан 1993 йил 15 февралда Хатамов Фаттах номига берилган № 03 - 02/3881 рақамли Афросиёб кўчаси, 12-уй, 96-хонадон ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«AS INTER АКТИВ» МЧЖ тугатилади.

Даъволар 1 ой муддатда қабул қилинади.

Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани А. Ходжаев кўчаси, 3 уй.

Телефон: (8371) 227-09-24.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига таълиф этади:

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой. Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой. Гўзаллик саломига тайёрлаш — 1 ой.
Аёллар костюм-шим, плаш-пальто — 1-2 ой. Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка).
Ҳашира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт. Тикувчилик — 2-3 ой.
Ҳашира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёт билан). Инглиз тили — 3 ой, Рус тили — 3 ой.
Тиббий массаж — 2 ой. Нуқтали — 1 ой. Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
Торт ва пиширчиқлар — 2 ой. Декоратив гул, сарпо қути ва саватлар ясаш — 2 ой.
Торт олий курси — 1 ой. Бисердан гуллар, дарахтлар ясаш — 2 ой.
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 1 ой. Карвинг (мева ва сабзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.
Аёллар сартарошлиги — 3 ой. Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.
Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой. Барчаси амалиёт билан
Бухгалтерия ҳисоби — 2 ой. Ётоқхона мавжуд.
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой. Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой. Ўқини тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона.

МЎЛЖАЛ: Юнусобод дехқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).
ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси 4-уй 40-хона. МЎЛЖАЛ: Қўйилк кийим бозори рўпарасида.
ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

У хоҳ қачонлардир дашту далаларда жониворларга кўрқув солган шиддатли бўриники, хоҳ тўқай шоҳи йўлбарсники, ҳайбатли айиқники бўлсин, одамни бало-офатлардан сақлай оладими? Овчининг ўқига учган ёки қопқонга тушган ҳам дейлик, бўрининг териси, тиш-тирноқлари одам боласи мушкул ахволга тушиб қолса кўмак бера оладими ёки бизларга омад олиб келиши мумкинми? Мавзу шу ҳақда.

Биринчи воқеа

Ҳурматли уламоларимиздан бири шундай ҳикоя қилади:

— Ҳузуримга бир келинчак кириб келди. У минг бир истихоло билан йиманибгина қўлидаги майин матони очди. Мен аввалига бирон қадимий ёзувмикан, титилиб кетадиган буюммикан, деб ўйладим. Йўқ, не кўз билан кўрайки, ҳалиги мато ичидаги ўроғлиқ нарса бор-йўғи бир парча тери эди. Шунга яхшилаб дам солиб берсангиз, деб илтимос қилди у. Тортишиб, буришиб қолган парчанинг қайси ва қандай махлуққа тегишли эканлигини билиб бўлмасди. Агар авасасага учиб, бу матога дам солсам, унинг қўлидан нима иш келаркан, деб ўйладим. Қизим, бу нима ўзи, деб сўрадим. Ерга термулдида, бўрининг териси, деб зўрга жавоб қилди. Кейин яна "Буни қаердан ва қандай олдингиз?" десам, бир овчиндан фалон минг сўмга сотиб олганлигини айтди. Шундан сўнг мен бу нарсанинг ҳосияти нимадан иборат эканлигини ва агар унга дам солсам, у қандай каромат кўрсатиши мумкинлигини ҳам билгим келди. Менинг саволимга ҳалиги келинчак, "Биласизми, мен савдо билан шуғулланаман. Айтишларича, бўрининг териси, тиш-тирноқлари ҳар хил офату қуфат, кўз тегиши, суқ, ёмон назарлардан, ҳатто солиқчи-текширувчилар хавфидан ҳам сақлармиш. Шерикаларнинг деярли барчаси ё бўрини умуман кўрмаган, ёки бўри билан терисининг фарқи бормаидиган одамлар эди. Шу боис ҳам унинг кўш қаватли молхона-емишхонаси устида ҳаммаша битта-иккита итнинг териси тузлаб, қурилган ҳолда миҳга осилгил турарди. Гоҳида хотини ундан "Отаси, буни нима қиласиз?" деб сўраб қолса, шундай сирли жавоб қиларди: "Ишинг бўлмасин, хотин, бунинг турган-битгани пул!"

Қуқур бидъатга муккасидан берилган жувонга бўри ёки бошқа ҳайвонларнинг бирор бир аъзоси нажот эшиги бўла олмаслигини англатишим анча оғир кечди. "Домла, менман деб кўкрагига уриб юрганларнинг уйда ҳам бўри териси, тишигача бор-ку, нима, улар ҳам менга ўхшаб аҳмоқми?" дерди у айтганларимни рад этиш учун баҳона излаб. Узоқ тушунтиришлардан сўнг келинчакка: "Агар сиз ва сиз таниган-билган кишилар ўйлагани каби бирон махлуқнинг аъзолари одамларни офат-кулфатдан, ҳар хил зиён-захматлардан сақловчи хусусият, каромат, кучга эга бўлганида борми, аввало уларнинг ўзлари овчининг қопқонига тушмас ва ўқига дучор бўлмасди-ку! Узини ногаҳоний балолардан сақлай олмаган жонзот қандай қилиб бизларга ҳимоя бўлиши мумкин?"

Билмадим, у менинг айтган насихатларимга ишондими-йўқми, у ёғи қоронғу...

Укроп кўкати таркибида эфир мойлари, пектинлар, флавоноидлар, каротин, хлорофилл, кўплад С, В1, В2, В5, В9, РР витаминлари, фосфор, темир, калий тузлари, хлороген кислотаси мавжуд. Уруғи эфир мойи, клетчатка, флавоноидлар, ёғли мойлар, қанд моддаси, каротин, азотли моддаларни ҳам этган. 100 грамм барра укроп кўкатида 44,8 ккал., қуритилганида эса 258 ккал мавжуд.

Укропдаги сингари универсал хўшбўйлик ва хуштаъмлик бўлмаса керак. У овқат таъмини ҳамда кўринишини яхшилайдиган, иштаҳани очади. Ушбу ўсимликнинг асосан кўкатида фойдаланилади. Уни салат, қайла, шўрва, балиқли, гўшти,

кўзиқоринли ва сабзавотли таомларга қўшиб ишлатишади. Укропнинг соянонсифат гуллаган қисми консервалаш ишлари учун жуда қўл келади. У организм туз йиғишига тўсқинлик қилади, таомдаги ортиқча тузларнинг микдорини кесадди.

Қурилган укроп кўкати турли хўшбўй ўтлар билан аралашган зирavorлар таркибига қўшилади. Укропнинг уруғи чой, сирка, маринадларнинг муаттар ҳидини кучайтиришида ишлатилади.

Даволаш воситаси сифатида укропнинг кўкати ва уру-

ғидан кенг фойдаланилади. Улар ҳалқ табобатида ҳам, анъ-



УКРОП (ШИВИТ)



НАЖОТ ЭШИГИ

Ҳайвон терисидан эмас, виждондадир

Иккинчи воқеа

...У ҳар куни беш-ўн одамнинг иши тушиб турадиган идорага бошлиқ бўлганидан сўнг олис тоғли қишлоқда яшайдиган таниш овчига буюртма берди: "Биродар, менга битта бўрининг терисини олиб келасиз! Қанча десангиз, пулини мендан олмасиз!"

Буюртма олган одам агар юз киши сўраса ҳамки, бу нарсани топиб берадиган уддабурунлар хилдан эди. Овчи учун энг шарофатли жиҳат шунда эдики, йиртқич терисини сўрагувчиларнинг деярли барчаси ё бўрини умуман кўрмаган, ёки бўри билан терисининг фарқи бормаидиган одамлар эди. Шу боис ҳам унинг кўш қаватли молхона-емишхонаси устида ҳаммаша битта-иккита итнинг териси тузлаб, қурилган ҳолда миҳга осилгил турарди. Гоҳида хотини ундан "Отаси, буни нима қиласиз?" деб сўраб қолса, шундай сирли жавоб қиларди: "Ишинг бўлмасин, хотин, бунинг турган-битгани пул!"

Қарангки, ҳар кимнинг ҳам гоҳи ҳалолдан, гоҳи ҳаромдан ризқи бўлади деганлари тўғри экан. Пулга муҳтожлик сезиб турган ёгин-сочинли кунларнинг бирида шаҳардаги раҳбар таниши бўри терисини сўраб турибди. Шу куни у терини аввал оқшомада пахта ёғи билан яхшилаб ишқалаб, юмшатди. Кейин эса ўраб, халтага яхшилаб жойлаштирди. Эрта тонгда йўлга чиқди. Бошлиқнинг уйига етиб келди. Яқинба куни бўлгани боис миждо ҳам уйда экан, овчининг мамнуният билан кутиб олди ва яхшилаб меҳмон қилди. Ош-чойдан, роҳатбахш ов гурунларидан сўнг у халтадаги терини чиқарди. Бу нарсани қўлга

киритиш анча қийин кечганлигини чиروي ҳикоя қилиб берди. Ўтган йили қиш чилласида айёр ва ҳеч нарсадан тап тортмайдиган махлуқни отиб олиш учун роса пойлаганини, дара-сойлардан ошганини мароқ билан гапирди. Бошлиқ терини меҳр билан силаб-сийпалади. Чамаси, унинг муроди ҳосил бўлган эди...

— Хўш, ошна, биламан, китобларда ўқиганмиз, телевизорларда кўрганмиз, овчилик, бўри отиш осон иш эмас, — деди бошлиқ овчига юзланаркан, — ҳам-маям бўри отолмайди. Бунинг учун одамлард кўрқмас, абжир ва мерган бўлиши кераклигини яхши биламан. Бунинг пули қанча бўлади, ҳеч тортинмасдан айтаверинг. Менинг илтимосимни ерда қолдирмасдан шунча жойдан ташвиш тортиб келибсиз...

Овчи камтарин ва ҳокисор бир ҳолатга тушди. Пул ҳақида гап кетганда ўзини худаям хижолатга тушгандек кўрсата олди. Бу одамда шундай маҳорат бор эди.

— Билмасам, бирон нарса дейишим қийин, — деди у бирпасдан сўнг тортиб-ийманиб, сиз биз учун қадрдон бир киши бўлсангиз. Қолаверса, дўст-биродарларга бор-йўғи бир ҳайвон терисини фалон-пистон сўм деб ўтириш ҳам одамга кўп ноқулай экан...

Овчининг бу қадар камтаринлиги ва беозор гаплари янги бошлиққа кутилмаганда хуш ёқиб тушди. Шундан сўнг у жойидан турди-да, бурчақдаги пулат

Муҳокама учун мавзу

сандигини очди. Ичидан тахи бузилмаган бир неча даста пулни чиқарди.

— Мана, олинг, ош бўлсин, яхши кунларингизга ишлатинг, дўстим! — деди у пуллари овчига тутқазаркан.

Бу саховатдан тоғлик овчи шу қадар хурсанд бўлдики, қандай миннатдорчилик билдиришининг эвини қилолмади. Пуллари қандайдир йиманиб, тортинибгина олди ва чўнтагига солди.

Ишхонада ҳали қоровулдан бошқа одам бўлмаган эрта тонг маҳали бошлиқ келди ва хонасидан катта пулат сандикнинг бир бўлмасига терини эҳтиётлаб жойлаб қўйди.

Шу кундан эътиборан у қаттиқ ишонч ва баланд кайфият билан ишлашга тушди. Баъзан ҳориб-чарчаган кезлари ёки бирон бир дилхираликдан сўнг тери солинган пулат сандикка қараб кўяр ва яна қандайдир дадиллашар, ўзида тетиклик ҳосил қилгандек бўларди. Қўл остидагиларга баъзан баланд овозда уришиб, гоҳида "суви бўш"роқ одам учраса, сўкиб ҳам кўярди. Ходимлар, таниган-билганлар янги бошлиқнинг қандайдир дадиллашганини илғашди.

Орадан маълум вақт ўтди. Бирок пулат сандикда турган "куч"га қаттиқ ишонган ва суяниб қолган бошлиқнинг негидир "зафари" қайта бошлади. Айрим ходимларни тери солинган пулат сандикнинг олдига тик тургазиб, чунон уришса ҳамки, баъзи юмш билан келган овчига уришиб, силқиласа ҳамки, таъсири ўзи кутганчалик бўлиб чиқавермади. Негадир теридан шубҳалана бошлади...

Бир куни отаси раҳматликка қадрдон бўлганлардан бири келиб қолди. Ундан-бундан гурунглашдилар. Сўнгра у гап орасида эҳтиёткорлик билан сўради:

— Амаки, бўрининг териси қандай бўлади, биласизми? Менга тоғдан бир овчи олиб келган эди.

— Нега билмас эканман, ёшлигимда ўзим ҳам бўри отганман, — деди қария. — қаранг-а, сиздаям бор экан-да.

Бошлиқ отахонга терини кўрсатишдан аввал тугмачани босди.

Қабулхонадан "лаббай" дея котиба қиз кўриниш берди.

— Биз ҳозир бобой билан муҳим бир ишни муҳокама қилаёلمиз. Бирон кишини киритман! — деб қаттиқ тайинлади. Сўнгра пулат сандикни очди ва ичидан ҳалиги матоҳни олиб топди устига ёзди. Чол терини ағдариб, ушлаб кўраркан, бош қайнади-да:

— Ўғлим, бу бўрининг терисимас-ку, сизни бошлаб алдашибди-да!

— Унда ниманики бу? — сўради у бир зум гангил қолган.

— Буми, бу — итники!

Бошқа савол-жавобга ўрин қолмади. Орадан кўп вақт ўтмади, ул-бул хатолари, укувсизлиги туфайли бошлиқ ишдан олинди. Лекин негидир собиқ раҳбар "зафарининг қайтиши"ни ўздан эмас, балки чув тушириб кетган тоғлик овчиндан ва балки итнинг терисидан кўрди...

Маҳмуд АБУЛҲАЙЗ

анавий тиббиётда ҳам бирдек қувватга эгаллиги билан ажралиб туради. Укропни қовуқ яллиғланиши (цистит) ва буйрак хасталиқларига қарши қўллаш самарали натижа беради. У пешоб ва сафро ҳайдаш учун фойдали восита саналади, шунингдек, сут безлари секретцияси ишини фаллаштиради. Укроп кўкати қиска вақт ичида уйқусизлик ва бош оғриғидан халос этиш хусусиятига эга. Унинг дамлмаси қон томирларининг кенгайиши, ичаклар зўриқишининг сусайиши, диурезининг катталашини ва қон сисимининг тушишига катта ёрдам беради.

Укроп ошқозон-ичак йўли

Табиат — дорихона

хасталиқлари чоғида, юрак-қон томир тизими фаолиятини яхшилашда, шу билан бирга организмда ортиқча туз йиғилганда, семизликка, диабетга қарши қўлланилади. Унинг қайнатмаси конъюнктивит ва кўз шомолашига ҳам даво бўлади. Уруғи бактерия ва спазмга қарши, қолаверса, қулай сафро ҳайдовчи ва сурги воситаси ҳисобланади.

Қон босими паст инсонлар, ҳомиладор аёллар учун укропни турли кўринишда, кўп миқдорда истеъмол қилиш ман этилади.

Гулчехра АЗИМОВА тайёрлади.




ЭРКАКЛАР ЙИҒИСИДАН БИЗНЕС?..


Британиялик психолог Рожер Грей кўз ёшлардан бизнес қилишнинг уйдасидан чиққан одам сифатида дунёга танилиб кетган.

Унинг фикрича, эркекларнинг ҳаёти аёлларникига нисбатан қисқа бўлишининг сабаби уларнинг кўп йиғламасликларида экан. Эркекларнинг умрини узайтириш масаласини кўтариб чиққан олим, уларни йиғлатишга мўлжалланган махсус ўқув курсини ташкил қилиб, шунинг орқасидан яхшигина даромад кўрганига нима дейсиз?!

Бу ғоя Хитойнинг Наньцзянь шаҳрида хийлагина ривожланиб кетган. Ушбу шаҳарда антика бир қовоқхона фаолият юритади. Пивахўрлар жам бўладиган бу жой маҳаллий халқ тилида



“Аламзада диллар бари” деб номланади. Маъмур қовоқхона севгилиси ёки рафиқаси билан ажрашган эркеклар учун мўлжалланган бўлиб, аламзада ошиқ йигит бу ерда истаганча йиғлаб олиши мумкин. Бу холини ҳеч ким уят қилмайди. Шу боис ичи куйиб турган эркеклар қилар ишни қилиб, сўнг пуншаймон бўлганиданми ёки хўрлиги келими, хуллас, бемалол, ҳатто, хўнграб йиғлаши, ўзига ўшаган ҳамдард одамга дардини дастурхон қилиши ҳам мумкин.



Қовоқхонадаги шароитлар ҳам ўзига хос. Яъни, кўз ёш артиш учун столларга махсус рўмолчалар, ҳар эҳтимолга қарши тинчлантирувчи дори воситаларга қўйиб чиқилган. Шунингдек, бу ерга келган эркеклар нафақат йиғи-сиғи қиладилар, балки, кўнглига озор этказган одамдан ўч олиш имконини ҳам топадилар. Қанақасига дейсизми? Хуллас, бу ерда хитойлик ва японияликларнинг эски бир анъанаси амал қилади. Яъни, қовоқхонада турли эркега аёлларга ўхшатиб ясалган махсус кўғирчоқлар ўрнатилган бўлиб, уларни ёқтирмаган одами ўрнида тасаввур қилишиб, хуморларидан чиққунча роса дўппослайдилар.

Дарвоқе, бу барга кўнгли бўшатиш, энгил тортиш учун кириш соатига беш долларни ташкил этади. Одамлар қанча кўп йиғласа, қовоқхона хўжайини шунча бойиб бораверади. Ана бизнес-у, мана бизнес!..

Наргиза СИДДИҚОВА тайёрлади.

КЕЛИНЛИК СЕПИ ЁҚМАГАН

— Ассалому алайкум, “Бахтли бўлинг” бўлимими?
— Худди шундай, эшитамиз сизни.

— Ажрашганимга ўн йил бўлди. Барча қизлар қатори мен ҳам катта орзу-ҳаваслар билан оила қурганман. Турмуш ўртоғим билан муносабатимиз ёмон эмас эди. Лекин қайнонам келин бўлиб тушган кунимдан бошла-боқ негадир ҳар хил баҳоналарни рўқач қилиб, хушламади. Кейин эшитсам, келинлик сепим уларга ёқмаган экан. Аввалига бу важдарини очик айтмади. Аммо арзимаган нарсаларга ҳам жанжал кўтариб, ҳар бир қилган ишимдан камчилик қидирарди. Энг қизиғи, эримнинг менга бўлган муносабати самимийлигини кўрса борми, баттар асабийлашар эди. Бора-бора яхши сарпо-суруқ қилмагансан, деб очик-ойдин юзимга соладиган, уйдан ҳайдайдиган одат чикарди. Эримнинг менга раҳим келсаям онасининг сўзидан чиқа олмасди. Хуллас, бир йил базўр чидадим.

Охири ота-онам менинг бу хонадонда яшай олмаслигимни тушуниб уйимизга қайтариб олиб келишди. Кейинчилик пойтахтда яшовчи опамни яшадим. Шу орада турмуш ўртоғим орқадан лоақал бир марта йўқламади, оиламизни сақлаб қолишга ҳаракат ҳам қилмади.

Ёшим 32 да. Педагогика йўналиши бўйича касб-хунар коллежидан тахсил олганман. Ҳозир савдо соҳасида ишлаяпман. 35-40 ёшгача бўлган (имкони бўлса Навоий вилоятдан) уйим-жойим дейдиган, зарарли одатлардан холи инсон топилса, турмуш кўрмоқчиман.

ЗУМРАД,
Навоий вилояти.

ДУГОНАМ ДЕБ АДАШДИМ

Тахририятимизга истаралигина қиз билан кириб келган аёл ўзини Умрихон ая деб таништирди. У кишининг гап-сўзларидан дунёқарши кенг, оқила, ўқимишли аёл эканлиги шундоққина сезилиб турарди. Онахон қизи Зухра-хонга ҳаётида умрбод йўлдош, неварасига меҳрибон ота излаётганлигини

билдирар экан, қизининг оиласи бузилишида ўзини айбдор санашини қайта ва қайта куйиниб гапирарди:

— Қизимни ўзим билан бирга ўқиган, энг яқин дугонамнинг ўғлига турмушга берган эдим. Бу оилани обдон билганлигим сабабли йигитни яхшилаб суриштирмабман ҳам. Бу менинг катта хатоим бўлди, — дейди кўзларига ёш олганча Умрихон ая. — Собик куёвим уй-

ўқимишли, меҳрибон, очик кўнгли қиз. Иложи бўлса Тошкент шаҳрида яшайдиган, 38 ёшгача бўлган, ёлғиз ўғлига оталик меҳрини бера оладиган инсофли, диёнатли инсон учраса, кўнглим тинчирмиди.

УМРИХОН ая,
Тошкент шаҳри.

ЎҚИГАН ЙИГИТ БЎЛСА...

— Бу йил 33 ёшга тўлдим, лекин ҳали турмушга чиқмаганман, — деб ёзади Дилдора исмли муштарий.

— Олий ўқув юртида бакалавр, магистратура босқичларини тугатгач, институтга ишга таклиф қилишди. Ўқиш, ишга берилиб турмуш қуришга шошмадим. Уйга келган совчиларни суриштирсак, бўлажак куёвлар ўқимаган бўлиб чиқарди. Оиламиз зиёли оила. Ота-онам ҳаммамизни ўқитиб, олий маълумотли қилишган. Шу боис мен ҳам ўқимишли инсонни излардим. Лекин нимагадир пешо-намга зиёли инсон учрамади.

Кейин оиласидан ажрашган кишилардан совчилар кела бошлади. Майли, мен ҳам оила, бола-чақа қилишим керак-ку, деб рози бўлдим. Бир кишига унаштиришди. Уч фарзанди билан хотинидан қонуний ажрашган киши эди. Бир ўғли отасида, қолганлари онаси билан кетишган экан. Унаштирилганимиз овоза бўлгач, собик хотини болалари билан қайтиб келиб, уйимга бегоналар эғалик қилишига йўл қўймайман, деб ўтириб олди. Жанжалли савдо экан, деб фотиҳани бекор қилдик. Хуллас, кейинги совчилар ҳам куёвнинг қандайдир нуқсонини яшириб келишарди. Ҳамма нарса битай-битай деганида, сирлари фош бўлиб қоларди.

Тўғриси, буларнинг ҳаммасидан чарчадим. Пойтахтда олдинги ишимга чакришяпти. Меҳр-оқибатли, уйим-жойим дейдиган Тошкентта вилоятдан кўчиб келиб яшаётган 40 ёшгача бўлган зиёли инсон учраса, турмуш қуриш ниятим бор.

ДИЛДОРА,
Жиззах вилояти.

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан), соғлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

Ўрганганинг ўзингга

ПЕДИКЮР — УЙ ШАРОИТИДА:

Айни пайтда кўпчилик аёллар оёқ тирноқлари парваршишга у қадар эҳтибор бермайди. Ё вақтини қизганида ёки ҳафсала қилмайди. Аммо бунга озгина эътибор ва ҳафсала бўлса kifoya.

Уй шароитида педикюр қилмоқчи бўлсангиз, аввало оёқ терисини юмшатиш учун иссиқ сув қуйилган тоғорага оёқларингизни 10-15 дақиқа солиб ўтиринг. Кейин тоvonни ишқаловчи мослама билан ишқалаб, тозаловчи воситалар, масалан, скрабдан фойдаланинг. Оёқларни чайиб, оёққа юмшатувчи крем суртиб, бироз уқаланг.

Ёғоч таёқча билан тирноқ четида ўсган ортиқча терини тирноқ четига суринг. Ушбу ҳаракатни эҳтиёткорлик билан қилиш лозим. Акс холда тери жароҳатланиб қолади.

Тирноқларингизни бир хилда кесиб олинг. Четларини айлана қилиб кесмасликни маслаҳат берамиз. Чунки бунда тирноқ териси ичига ўсадиган бўлиб қолади. Сўнг тирноқ эговлагич (пилка) билан четларини текисланг.

Ацетон ёрдамида тирноқдаги крем қолдиқлари артиб ташланади. Шунда лак бир текисда суртилди. Агар истасангиз, эговча ёрдамида тирноқ устига сайқал бериб силлиқлашингиз мумкин.

Оёқ тирноқларига лак суртишни энгиллаштириш учун бармоқларни ажратиб турувчи махсус воситадан ёки оддий пахтадан фойдаланишингиз ҳам маъқул.

Маслаҳатлар:

■ Суртилган лак доимо кийим ҳамда тақинчоқлар рангига мос келиши лозим.

■ Кўл ва оёқ тирноқларидаги ранг лаб бўёқига мос бўлиши нозик диддан далоят беради.

■ Ҳеч қачон эски суртилган лак устидан янгисини суртманг.

■ Лак танлашда арзонига учманг. Қимматлари ҳам сифат жиҳати-дан, ҳам узоқ вақтгача ўчиб кетмаслиги билан фарқ қилади.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА тайёрлади.

Фойдали маслаҳатлар

■ Хона ҳароратида гўшт бир неча кун айни-маслиги учун устини лимон шарбати билан артиб салқин жойда сақлаш лозим.

■ Гўшт тез бузилувчан бўлганлиги боис, у совитгичда сақланши шарт. Агар бунинг иложи бўлмаса қатиқ ёки зардобга солиб қўйса ҳам бўлади. Бунинг учун суяклик икки кунда бир марта алмаштирилиб турилиши лозим.

■ Ловия В1, В2, В6, РР витаминларига жуда бой бўлиб, гўшт ва балиқ махсулотларининг ўрнини боса олади.

■ Зайтун мойи ва ёнғоқ юрак хасталигини даволовчи энг яхши восита ҳисобланади.

■ Ҳар қандай майонезнинг асосий таркиби ўсимлик ёғи ва тухум саригидан иборат. Улар эмульгатор вазифасини бажаради.

■ Дўконларда сотиладиган денгиз қарамига кўп микдорда сирка қўшилади, шу сабаб ошқозон-ичак касалликларига чалинган беморларга бу махсулот тўғри келмайди. Бу ҳолда уни қайнатиб совитилган сув билан чайиб юборган маъқул.

■ Сабзавотларни қайнатишдан олдин уларни 10-15 дақиқа тузли сувга солиб қўйиш лозим.

Гулноза БОБОЕВА тайёрлади.



ТИЛЛА УЗУК... КУЁВГА

Ойна

Яқинда қиз узатиш тадориғида юрган қўшнимиз онамнинг ёнлари-га маслахатга чиқди. Меҳмонга чой тайёрлаш асосида қулоғимга ўша суҳбатдан узук-юлук нималарди эшитилиб турарди. Қўшни аёл тўрт букланган қоғозни очиб, ўқий бошлаганда, беихтиёр эшитишга тўғри келди: «Куёвнинг яқин қариндошларига, куёв патнисига, ва ҳоказо...»

Куёв патнисига олиниши керак бўлган нимарсалар рўй-хати шунчалик узун эдики, уларни тўлик эслаб қололмадим. Аммо асосий қисми атторлик моллари эканлиги ва... Ва «битта тилла узук» деганлари аниқ ёдимда. Чунки рўй-хатнинг айнан шу ўрнига келганда онамда савол пайдо бўлди:


— Тилла узук! Никхо узугими?

— Йўқ, бу бошқа узук. Аслида-ку, «куёв патниси»га билакузукми, занжирми қўйса яхши экану, аммо у матоҳларнинг нархи заҳар экан.

— Шу, қўшнижон, нима дейсизу, лекин тилла узук шартмикан?

— Эл қатори қиламиз-да энди, одати-миз... Қолаверса, шовла кетса кетсин...

Кечирасиз, элда бу таомил қачон пайдо бўлдию, қачон у одат тусини олиб улгурди? Бу қандай обрў бўлдики, куёв бўлмишнинг бўйнига тақадиган занжирга боғлиқ бўлса? Бувимдан эшитганим бор, эркак кишининг тилла тақини ножоиз экан.



Хуллас, узундан-узук рўйхат тугади, энди унинг нарх-навоиси ҳисоблана бошланди. Ҳисоб-китоб ишлари ҳам якунланган, икки қўшни чуқур сукутга ботди. Ёлғиз боши билан қиз ўстирган бу аёл бунча пулни қаердан топади энди? Онам... онам ҳам ўзининг тақинида уйга ботган. Ахир, не-не орзу-ниятлар билан фарзанд ўстираётдилар-да.

Ҳозир тўй бошлаган аксарият оилаларда шунга ўхшаш вазиятни кузатишингиз мумкин. Ўзбек тўйлари қадимда ҳам шундай бўлганмикан? Шу ўринда бувимнинг хотиралари эсимга тушади:

— Отамнинг уйдан бир бўшча кийим-кечак билан битта от-аравада кетганман. Қайнотам ҳам, қайнонам ҳам нима олиб келдинг, деб қўлимга қарашмаган. Чоғроққина тўйдан кейин эр-хотин ахил-иноқ бўлиб рўзгоримизни ўзимиз бут қилганмиз. Тўғриси, «мол ёяр», «ота кўрди» ва яна алламбало одатларни энди эшитаяпман. Ҳозирги тўйлардан кейин шўрлик ота-онанинг ҳамени сузма халтадай бўшаб қолади. Етмаганига, у кам, бу кам бўлиб қанча дилхиралик. Хали бир-бирини яхши билмаган қудалар орасида низо, араз. Тўй эмас, гафво деяверинг.

Ўз оти ўзи билан бўлган урф-одат, анъаналар узок йиллар давомида сайқалланиб, миллий ва диний қарашларга мос тарзда шаклланган. Оиланинг иқтисодий аҳолидан келиб чиққан ҳолда, албатта, тўйдан тўйнинг фарқи бўлади. Аммо бу янгича бир одатнинг туғилишига сабабчи бўлмаган.

Масаланинг энг муҳим томони шундаки, бўлаётган бу дабдабау аъсосаларга кўпчилик тенгдошларимиз қарши. Назаримда аксарият ота-онанинг қиз узатиш, ўғил уйлашдан мақсади фарзанднинг бахти, уни оилали қилиш эмас, балки бир мақтаниб, теварак-атрофдагиларга ўзини кўз-кўз қилишига ўхшайди гўё.

Фарзона АБДУЛЛАЕВА,
Дехқонобод саноат ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ўқувчиси.
Қашқадарё вилояти.

БАРАВАР ЖАВОБ БЕРАДИ

Хусусий корхона раҳбариман. Яқинда бир танишим банкдан кредит олмоқчилигини ва бунинг учун корхонам кафил бўлишини сўради. Агарда кафил бўлсак, кейинчалик кредитнинг қайтарилмаслиги ҳолати юзага келса, корхона жавобгар бўладими?

А. Рустамов.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 292-моддасига кўра, кафиллик шартномаси бўйича кафил бошқа шахс ўз мажбуриятини тўла ёки қисман бажариши учун унинг кредитори олдида жавоб бериши ўз зиммасига олади.

Кодекснинг 293-моддасига кўра, қарздор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кафил ва қарздор кредитор олдида солидар жавоб берадилар, башарти қонунида ёки кафиллик шартномасида кафилнинг субсидиар жавобгар бўлиши назарда тутилган бўлмаса.

Ёки кафиллик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафил кредитор олдида қарздор билан баравар ҳажмда жавоб беради, шу жумладан, фоизлар тўлайди, қарзни ундириб олиш бўйича суд чиқимларини ва қарздор мажбуриятини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли кредитор кўрган бошқа зарарларни тўлайди.

КАФИЛЛИК БЕКОР БЎЛАДИ

Тадбиркорлик фаолияти билан шугулланаман. Илгари бир мажбурият бўйича кафил бўлганман. Умуман кафиллик ўзи қайси ҳолларда бекор бўлади?

Н.Раҳматова.

Фуқаролик кодексининг 298-моддасига кўра, кафиллик билан таъминланган мажбурият бекор бўлган, шунингдек, ушбу мажбурият кафилнинг розилигисиз жавобгарликнинг ошишига ёки унинг учун бошқа ноқулай оқибатларга олиб келадиган тарзда ўзгартирилган тақдирда кафиллик бекор бўлади.

Кафиллик билан таъминланган мажбурият бўйича қарз бошқа шахсга ўтказилганида, агар кафил янги қарздор учун жавобгар бўлиш ҳақида кредиторга розилик берган бўлмаса, ёхуд кафил таъминлаган мажбуриятни бажариш мuddати келганида кредитор қарздор ёки кафил тақдир қилган тегишли ижрони қабул қилишдан бош тортса, кафиллик бекор бўлади.

Шартномада кўрсатилган кафиллик мuddати ўтганидан кейин кафиллик бекор бўлади. Агар бундай мuddат белгиланган бўлмаса, кредитор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажариш мuddати келган кундан бошлаб бир йил давомида кафилга даъво қўзгатмаган тақдирда кафиллик бекор бўлади. Агар асосий мажбуриятни бажариш мuddати кўрсатилмаган ва белгиланиши мумкин бўлмаган ёки талаб қилиб олиш пайти билан белгиланган бўлса, кредитор кафиллик шартномаси тузилган кундан бошлаб бир йил мобайнида кафилга нисбатан даъво қўзгатмаган тақдирда кафиллик бекор бўлади.

Саволларга Навоий шахар 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси Ш.МАҲАММОВ жавоб бериди.

Савол-жавоб

120 СОАТДАН ОШМАЙДИ

Ишлаб чиқариш корхонасида ишлайман. Кўпинча иш вақтидан ташқари ҳам ишлашимга тўғри келади. Бундай пайтда иш вақтининг энг кўп мuddати қанча бўлиши лозим?

А. Ҳимматов.

Иш вақтидан ташқари ишининг мuddати ҳар бир ходим учун сурункасига икки кун давомида тўрт соатдан (меҳнат шароити оғир ва зарарли ишларда — бир кунда икки соатдан) ва йилига 120 соатдан ортқ бўлмаслиги лозим.

Шунингдек, иш берувчи ҳар бир ходимнинг ҳақиқатда ишлаган иш вақтини, шу жумладан, иш пайтидан ташқари ишлаган вақтини ўз мuddатида аниқ ҳисобга олиб бориши шарт.

Саволга Булунғур туман 2-сон давлат нотариал идораси нотариуси Рустам РАИМЖОНОВ жавоб бериди.

ТЕННИС МАЛИКАЛАРИ ТОШКЕНТДА

Жорий йилги мусобақада руминиялик Моника Никулеску, Александр Каданту, польшалик Урсула Радванска, россиялик Александра Панова, франциялик Ализе Корнет, сербиялик Бояна Ивановска, словакиялик Магдалена Рибарикова каби таниқли теннис усталари иштирок этаётгани турнирда қизиқини оширмоқда.

2005 ва 2009 йилларда "Toshkent orep"нинг финалида қатнашган ҳаюртимиз Оқул Омонмуродова бу гал дастлабки учрашувини руминиялик Ирина-Камелия Бегуга қарши ўтказди.

Шунингдек, мусобақада ёш теннисчиларимиз — Сабина Шарипова, Нигина Абдураимова ҳамда тажрибали спортчимиз Влада Экшибарова ҳам қатнашмоқда.

Асосий тўрнинг дастлабки беллашувиди икки теннисчимиз — Сабина Шарипова ва Влада Экшибарова ўзаро куч синашди. Унда 6:4, 7:5 ҳисобида Сабина Шарипованинг қўли банд келди. Фолибликка асосий даъвогарлардан ҳисобланган польшалик Урсула Радванска, испаниялик Лара Аррауабаррена-Весино ҳам ўз рақибларини мағлубиятга учратишди.

Интернет манбалари асосида Илхом ЖУМАНОВ тайёрлади.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар кўниси, «Болалар ва оналарни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари маъмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

ISSN 2010-7609



Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Дилроз АБРАЕВА
Саҳифаловчи — Оқил РАҲМОНОВ
Мусаҳҳилар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,
Гулноза БОБОЕВА

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга
олинган. Буюртма Г — 928. Формати А-3,
ҳажми 2 табоқ. Адади — 6392. Баҳоси кели-
шилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20

Котибият: 234-76-08

Мухбирлар: 233-04-50

«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oilavajamiyat.uz

1 2 3 5